



# ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ: ИСТИҚБОЛ ВА РЕЖАЛАР

## Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаларида

### ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАДИ

Мазкур уюшмага 2007 йилда малакали мутахассис Моҳира Нуралиева раис этиб сайланган, анчагина ихобий ўзгаришларга эришилди. У қарийб ўн уч йилдан буён мазкур соҳада ишлаб, тақриба тўплаган бўлиб, 1996 — 1999 йилларда 9-ижара корхонасини, 2000 йилдан эса тумanning 19-мавзесида ташкил этилган «Хирмонтепа» уй-жой мулкдорлари ширкатини муваффақиятли бошқарган. Шу боис бўлса керак, ширкатлар фаолиятини, яшовчилар билан иш-лашни жуда яхши билади.

— Ҳозирги фаолиятимда менга соҳада меҳнат қилиб тўплаган тажрибаларим қўл келмоқда, — дейди Моҳира Нуралиева. — Уюшмадаги ишнинг аввало ширкат аъзолари, яъни яшовчилар билан урчишидан, уларнинг фикр-мулоҳазалари, коммунал соҳа ходимларига билдирган танқидий қарашлари билан танишидан бошладим. Шунингдек, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликни йўлга қўйди ҳамда ширкат раҳбари ва ходимларини шахар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасидаги курсларда ўқиб, малакаларини оширишига эътибор қаратди. Ариза ва шикоят билан келган аҳолини уюшмада қабул қилиб, кўплаб муаммоларини жойида ҳал этишга муваффақ бўляпти. Бу албатта, яшовчиларнинг ширкатга ишончини оширишда, мулкдорлик ҳисси шаклланишида, умумий мулкни авайлаб-асрашда катта ҳисса бўляпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу савб-ҳаракатлар самарасини бериб, хусусий уй-жой мулкдорларининг фаолиги ошмоқда. Ширкатларни қайта ташкил этиш, уларнинг нечта уйдан иборат бўлишини аниқ белгилаш ишлари давом этмоқда. Кўп қаватли уйлар 1 тадан 5 тагача бўлган кўп қаватли уйларни ўзидан бирлаштиришда ва бу бошқаруви оsonлаштиришда.

Бугунги кунда туманда 272 та ширкат фаолият кўрсатиб, уларнинг 66 таси 1 та уйдан ташкил топганили билан аҳамиятлидир. Ширкатларга жами 1132 та кўп қаватли уй берилашган. Уюшма ширкатлари уй-жойни бошқариш ва сақлашда, ташкилий ишларда методик ҳамда бошқа зарур ёрдамни бериб боради. Ширкат раислари бошқа-

рув асослари бўйича ўқитилади, яшовчилар учун семинар ва йиғилишлар уюштирилмоқда. Ҳозиргача ташкил этилган ўқув ҳамда семинарларда 50 дан зиёд ширкат раислари ва 2000 нафардан зиёд яшовчилар иштирок этишди. Бундай ишларни режа асосида давом эттириш кўзда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, янги ташкил этилаётган ширкатларга раҳбарлар сайлови демократик асосда ўтказиб келинапти. Ҳар бир ширкат учун уй ва кириш йўлакларини таъмирлаш, ертўла ва ирригация шохобчаларини тозалаш, йўлак майдонлари ва ертўлаларга ёритиш ускуналари ўрнатиш бўйича жадваллар ишлаб чиқи-



либ тасдиқланган. Ҳозирда шу асосда иш олиб борилапти.

Президентимизнинг 1991 йилгача қурилган уйларни капитал таъмирлаш тўғрисидаги Қарори ижроси 2010 йилгача узайтирилган бўлиб, бу борадаги ишлар ҳам режа асосида ташкиллаштирилган. Туманда ўтган йилда 68 та турар жой бинолари капитал таъмирдан чиқарилди ва 2010 йилгача 122 та кўп қаватли уйни капитал таъмирлаш режалаштирилган. Уйлар ён-атрофларини таъмирлаш, ободонлаштириш, ирригация тармоқларини тозалаш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилаётганини ҳам таъкидлаш ўринли.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини қайта ташкил этиш даврида туман ҳокимияти, коммунал-таъмирлаш авария тиклаш хизмати, меҳнат бўлими, маҳалла

**ЮРТИМИЗДА УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ СОҲАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАР ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУГУНГИ КУНДА ЖОЙЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ УЮШМАЛАРИ ҲАМ ЎЗ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИНИ АНГЛАГАН ҲОЛДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИШМОҚДА. ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДА ИШ ОЛИБ БОРАЁТГАН ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ УЮШМАЛАРИ БУНГА МИСОЛ БЎЛА ОЛАДИ.**

қўмиталари ҳомий корхона ва ташкилотлар ёрдамида уйларнинг техник ҳолатини яхшилаш, дебитор қарздорликни тугатиш, янги ташкил этилаётган бошқарув ташкилотларини керакли жиҳоз ва зарур материаллар билан таъминлашга катта эътибор қаратиляпти.

Турар жой биноларида уйбоши, йўлак-бошиларни сайлаш, уларнинг фаолликларини ошириш, рағбатлантириш ишлари амалга оширилаётгани ихобий самара бер-



моқда. Ҳозирда 1132 уйбоши ва 4978 нафар йўлакбошилар ширкат ходимларининг энг яхши кўмакчилигига айланган. Улар тўловларни вақтида амалга оширишда, тозаланиш сақлашда, ҳашарлар уюштиришда ва бошқа масалаларда ҳамжиҳатлик билан ишлашмоқда.

Ҳозиргача шахар ва туман ширкатлар уюшмаси ҳамкорлигида ширкат раҳбарлари аттестациядан ўтказилди, ширкатнинг 60 нафар ижрочи директорлари «Ўзкоммунхизмат» агентлигида ташкил этилган ўқув курсида малака оширишди. Шунингдек, уюшмалар томонидан, ҳисобот йиғилишларига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш, ҳужжатларни тўғри тайёрлаш, кириш ва чиқим сметаларини тузиш бўйича 4 та методик қўлама ишлаб чиқилди. Ширкатларни меъёрий ҳужжатлар билан таъ-

минлаш йўлга қўйилди.

Айни пайтда намунали хизматни йўлга қўйиш мақсадида тумандаги малакали мутахассисларни жаллаган 26 та ихтисослашган бошқарув компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Сифатли хизматларни тақдир этиб, ширкатлар билан шартнома асосида ишлаётган «Чилонзор коммунал сервис», «Берёза коммунал сервис», «Ёш коммунал сервис» масъулияти чекланган жамиятлари шулар жумласидандир.

— Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нишонланадиган йилда кўпгина вазифаларни урдалаш ниятидамыз, — дейди Моҳира Нуралиева. — Кўплаб турар жой биноларимизда капитал таъмирлаш ишлари олиб боришда, ободонлаштириш, кўкчаларни яширатиш ишлари ҳам қизғин паллада. Шунингдек, уйларимиз фасад қисмини шахримиз чиройига мослаб таъмирлашни кўзда тутганмиз. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва «Келажак шахри ривож» консалтинг маркази билан ҳамкорликни йўлга қўйиб ширкат раислари ўқувини ташкил этади. Шунингдек, «Энг яхши ширкат» ва «Энг яхши ихтисослашган бошқарув компанияси» қўриқ-танловини ўтказишни режалаштириб турибмиз. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари борасида ислохотларни давом эттириб, «Бир уй — бир ширкат» шиори остидаги ишларни бажарамиз.

Сирасини айтганда, уюшма ходимлари ўз мақсад ва вазифаларини тўла англаш ҳолда фаолият кўрсатиб, кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш, коммунал хизматни ташкил этиш, уйлар кўркамлигини оширишда муҳим ҳисса қўйишга интилишмоқда. Бу, албатта, ўз самарасини бериши аниқ.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
СУРАТЛАРДА: уюшма ходимлари фаолиятдан лавҳалар.  
Алексей Попов олган суратлар

## Қарор ва ижро ОЧИҚ МУЛОҚОТ ТАРЗИДА ЎТДИ

«Ўздавнефтегаз инспекция»нинг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан «Бонур-газ» масъулияти чекланган жамиятининг — автомобилларга суюлтирилган газ тўлдириш шохобчасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралдаги «Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга суюлтирилган газ тўлдириш шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суюлтирилган ва сиқилган газга бошқичма-бошқич ўтказиш чоратадбирлари тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан семинар-йиғилиш ўтказилди.

Мазкур тадбирда шахримиздаги «Ўзбекпропансервис» суюлтирилган газ (пропан) операторлар уюшмаси кўплаб корхона, ташкилотларнинг етакчи мутахассислари, ҳайдовчилар, шунингдек, автомобилларга суюлтирилган газ тўлдириш шохобчаларининг операторлари қатнашди. Тадбирда сўзга чиққан «Ўздавнефтегаз инспекция» Тошкент шаҳар бўлимининг етакчи муҳандис-технологи Рихсвий Маҳаматов, юртимиз иқтисодиёти раванқида, халқ фаровонлигини таъминлашда, халқ ҳўжалигида транспорт воситаларининг ўрни нақадар беқийсизлиги ҳақида тўхталиб, юқоридаги қарор ижросини таъминлашда, белгиланган вазифаларни бажаришда хусусий АСГТШ ҳамда АГТШларнинг тугган мавқеи, бу борада бажариладиган ишларни ҳамкорликда, баҳам-жиҳат олиб бориш лозимлиги муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Иш самарадорлигини оширишда ўқув-масқлар (соҳа ходимларининг касб-маҳорати, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, меъёрий ҳужжатлар билан атрофлича таништириш қўлалини), йиғилиш, мулоқотлар режа асосида ўтказиб турилиши мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, семинарда сўз олган «Ўзбекпропансервис» суюлтирилган газ (пропан) операторлар уюшмасининг Тошкент шаҳри бўйича раиси Баҳодир Усмонов йиғилганларнинг эътиборини АСГТШ корхоналарининг барча ходимлари доимий равишда техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилишлар (газ махсулотларини қабул қилиш, сақлаш ҳамда тарқатишда), яъни ҳар ойда мунтазам равишда махсус йўриқнома ўтказилиши, бу ишлар махсус журналда қайд этилиши — барча ишлар мумкин қадар қатъий назорат қилиниши лозимлигига қаратди.

Қарор ижросини таъминлашга бағишланган семинар-йиғилиш давомида қатор амалий тақлифлар ҳам киритилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

## Иқтисодиёт МИЛЛИЙ ЎЙИНЧОҚЛАР ТАЙЁРЛАМОҚДА

Болақонларимизга шодлик бахш этиш, уларни кичиктойлигидан азалий қадриятларимизга, шарқона анъаналаримизга муҳаббат руҳида тарбиялаш ниятида меҳнат қилаётган хунарманд уста Муҳлис Қодирова изланишлардан чарчамаяпти.

Муҳлиса миллий ҳамда юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлайди, рангли иплардан гуллар тўқийди, қуроқ усулида буюмлар тикади.

Ёш хунарманд ўз фаолиятини 2003 йилда бошлаган бўлиб, ҳозирда унинг 15 нафар шоғирда ҳам бор. Фаолиятининг ilk йилларида бир неча турдаги махсулот тайёрлаган бўлса, айни пайтда 30 хилдан ортиб кетди. У мактабгача таълим муассасалари, Меҳрибонлик уйларига миллий ҳамда юмшоқ ўйинчоқлар етказиб бермоқда.

Ўз устида тинмай изланаётган хунарманд болақонлар учун турли эртак қаҳрамонлари қиёфасидаги миллий ўйинчоқларни тайёрлашдан завқ олади. Юмшоқ ўйинчоқларда эса хайвон ва жониворлар акс эттирилади.

— Хунармандларга берилаётган имтиёزلардан, тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибордан самарали фойдаланиб, — дейди Муҳлиса Қодирова, — келгусида шоғирларнинг сафини янада оширишни режалашганман. Иш ҳажминини ошириш, махсулот турларини кўпайтиришга, касаначиликка муҳим ҳисса қўйишга ҳаракат қиламан. Шунингдек, ўқув курслари ташкил этишни ҳам кўзда тутганман.

Хунарманд Муҳлиса Қодирова ҳозирда янги ранг-баранг махсулотлар устида изланишлар олиб бормоқда.

Нозима АҚРОМОВА

## Наврўзи нашидаси ЎЗГАЧА ТАРОВАТ БИЛАН

Ўчтепа туманидаги шоир ва драматург Хуршид номи билан аталувчи маҳаллада ҳам яшарини ва янгилигини айёми — Наврўзи олам байрами ўзгача файз ва тароват билан ўтди.

Маънавий-маърифий кечага айланиб кетган байрам тадбирида яқин атрофдаги «Зулфизар», «Оқмачит», «Қўйи дархон», «Кохота» маҳаллаларидан ҳам ёшу кексалар олимлар, шоирлар, ҳофизлар, созандалар иштирок этди. Наврўзи байрамини бағишланган тадбирда маданиятшунос олим Б.Насриддинов салкам 5 минг йиллик тарихта эга Наврўзи оламнинг шаклланиш жараёни ва бугунги кунда умумхалқ байрамига айлангани тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди, маҳалла фуқаролар йиғини раиси К.Дўстмуҳамедов Хуршид маҳалласининг тарихи тўғрисида ноёб мълумотлар берди. Ўзбекистон халқ ҳофиз Х.Ражабий Хуршид газаллари ва Фурқатнинг баҳор ҳақидаги шеъри билан айтадиларини қўшиқларни маромига етказиб қуйлади.

Элшунос олим Билол Аминов ҳам байрам иштирокчиларини кутлаб, маҳалла музейига ўзининг бир қатор китобларини тўхфа қилди. Шоирлардан Х.Муҳаммад ва М.Ҳайдаровнинг баҳор, Наврўз, меҳр-оқибат, янгилиш тўғрисидаги шеърлари ҳам йиғилганлар қалбига иқлиқ бағишлади.

Байрам қатнашчилари дастурхона тортилган баҳор таомлари — сумалак, халим, кўк сосалардан баҳраманд бўлишди, тадбир давомида Наврўзи оламга бағишланган мазмундор кўргазма билан танишишди.

Тадбир якунида Хуршиднинг қуйидаги нафис ва гўзал мисралари янгради.

Чун келди баҳор ойн, юз очди бу дам Наврўз.  
Кўк майсалар устига етказди қадам Наврўз.  
Гўёки келинлардек безанимиз дарахтар ҳам,  
Дилларини-да яшнатди бу назим санам Наврўз.

(Ўз мухбиримиз)

## Тўловлар

### ХИЗМАТЛАР СИФАТЛИ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

**МАНА КУЗГИ-ҚИШКИ ИСИТИШ МАВСУМИ ҲАМ НИҲОЯСИГА ЕТДИ. АЛБАТТА, ОДАТДАГИДЕК, УШБУ МАВСУМ ЯҚУНЛАНИШИ БИЛАНОҚ, СОҲА ХОДИМЛАРИ КЕЛГУСИ КУЗ-ҚИШ ҲОЗИРЛИГНИ БОШЛАБ ЮБОРИШАДИ. БУ ИШЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШДА ЭСА ЎТГАН ЙИЛГИ НУҚСОН ВА КАМЧИЛИКЛАРНИ ТУГАТИШГА БИРИНЧИ НАВБАТДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ.**

Айтиш жоизки, кўп қаватли уйларда кўпинча айрим носозликларни вақтида бартараф этиш ишлари чўзилиб кетади ёки ўлда-жўлда амалга оширилади. Бунинг асосий боиси эса айрим истеъмолчиларнинг тўловларини йиллаб тўламашликлари, натижада кўни-қўшиларни хисобига яшаётгани етмаганидай, коммунал хизмат сифати пасайишига сабаб бўлиб, уларга ҳам зарар етказяётганидир. Ахир истеъмолчилар амалга оширган тўловлар ўзларига сифатли хизмат бўлиб қайтиши аниқ-ку. Носозликларни бартараф этиш учун зарур бўлган маблағнинг бир қисми ана шу тўловлар асосида қопланади. Лекин барча истеъмолчилар ҳам ўз бепарволиклари ҳамда лоқайдликлари тўғрисида бунга амал қилишмаяпти ва ашаддий қарздорлар рўйхатидан ўрин олишмоқда.

Хондонингиз иссиқ бўлса, иссиқ сув оғирингизни энгил қилса қандай яхши. Бунинг учун эса ҳақини вақтида тўласангиз қифоя. Ҳамаза тумани Фарғона йўли кўчаси, 2-уй, 50-хонадонда яшовчи Саркеловлар 1301450 сўм, Зебо Шамсуддинова 3-тор кўча, 93-уй, 28-хонадонда истиқомат қилувчи А.Абадхўжаев 1 023 980 сўм қарз бўла туриб тўлашни уйламаганига, маҳалла-қўй, кўни-қўшилардан уйламаганига ҳайрон қоласиз. Шунингдек, «Лисунув-4», 68/1-уй, 27-хонадондан Э.Дадамўхамедов, 907 500 сўм, 69-уй, 22-хонадондан Ш.Исаев 543 930 сўм, Зебо Шамсуддинова 3-тор кўчаси, 115-уй, 7-хонадондан А.Мирзаев 665 830 сўм, М.Улуғбек тумани «Қорасув-6» дахаси 46-уй, 17-хонадондан М.Соқилова 789 850 сўм, «ТТЗ-4» дахаси, 44-уй, 28-хонадондан Т.Собиров 388 150 сўм, 4-уй, 14-хонадондан И.Соқилова 385320 сўм иссиқлик ва иссиқ сув пулидан қарздор бўла туриб, бемалол юришибди. Ахир хизматдан фойдаланган, ҳақини ҳам оғиринмай тўлаш керак-да.

Сувсиз ҳаётимизни тасаввур эта олмаймиз. У жуда зарур бебаҳо неъмат саналади. Бир кун ёки бир соат хондонимизда «оби ҳаёт» бўлмади қолсинчи, қандай ҳолатга тушамиз. Ана шунда, азиз истеъмолчилар унинг тўловини ҳам бир йўлаб қўйсангиз бўларди. Юнусобод тумани Корхожа ота 4-кўчаси, 53-уйдан Ф.Тўлағанов 377 900 сўм, 6-мавзе, 13-уй, 30-хонадондан Р.Садуллоев

204 минг сўм, Озодлик кўчаси, 35-уйдан С.Каримова 178 минг сўм, С.Раҳимов тумани Уразбоев кўчаси, 2-уй, 40-хонадондан М. Сағатов 405 400 сўм, «Қорақамиш 1/2» дахаси, 4-уй, 55-хонадондан З.Миржалолова 390 минг сўм, «Беруний -1», 68-уй, 31-хонадондан О.Ли 348 минг сўм, «Себзор» дахаси, 1-уй, 210-хонадондан М.Асимбекова 240 300 сўм, 247-хонадондан М.Қўчқоров 216 800 сўм, «Қорақамиш 1/1» дахаси 22-уй, 21-хонадондан М. Сайдуллоева 229 600 сўм, Форобий кўчаси, 257-уйдан А. Ҳакимов 290 300 сўм, Тансиқбоев -1, 11-уй, 54-хонадондан Ш.Маҳаматхонов 277 минг сўм, Тансиқбоев-3, 23-уй, 24-хонадондан М.Қосимов 195 500 сўм совуқ сув тўловини бажаришмаган. Бу сувнинг қадрига етмаслик эмасми?

Эсингиз иссиқ кунлари чироқ ўчиб, музлатгининг ишламай қолди. Аксига олиб унинг ичида айниқидан элик-овқатлар кўпгина. Дарров озиқ-тармоқлари идорасига кўнироқ қиласиз, асабингиз бузилади. Лекин ўзингиз соҳа назоратчиларининг бир неча марта оғохлантиришига қарамай электр ҳақини тўламаганга — шуни унутмадингизми? Бу, албатта лоқайд истеъмолчиларга тегишлидир. Ўчтепа тумани, «Чилонзор-23» дахаси, 1-уй, 74-хонадондан Ш.Шеннова 588 900 сўм, 54-хонадондан Р.Холматова 398 700 сўм, «Чилонзор-30» дахаси, 32-уй, 25-хонадондан А.Ибрагимов 400 минг сўм, 39-уй, 14-хонадондан Э.Худойназаров 200 минг сўм, «Чилонзор-26» дахаси, 22-уй, 30-хонадондан М.Ҳамидов 273 минг сўм, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа, 20-уй, 134-хонадондан Ж.Жураев 402 300 сўм, 132-хонадондан Ш.Ибрагимов 241 060сўм, 135-хонадондан А.Қорабоев 178 800 сўм, Жарарик кўчаси, 13-уй, 17-хонадондан К.Рихсиев 335 300 сўм, 20-хонадондан А.Аҳмедова 245 852 сўм электр ҳақидан қарздор бўла туриб, тўловини пайсалга солаётганлар жумласидандир.

Келгуси мавсум тайёргарлиги пухта, хизматлар сифатли бўлсин десангиз, унга тайёргарлик ишларига ўз улушингизни қўйиб, фойдаланилган иссиқлик ва иссиқ сув, совуқ сув, газ ва электр ҳақини вақтида тўланг.

(Ўз мухбиримиз)



## Ширкат — ибрат

### ҲАМЖИҲАТЛИКДА ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

**МЕҲНАТ ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ, ДЕГАН ҒАП БЕЖИЗГА АЙТИЛМАГАН. ЧИНДАН ҲАМ СИДҚИДИДАН МЕҲНАТ ҚИЛИБ, ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ИНСОНЛАР ҲУРАМАТ-ЭЪТИБОРГА САЗОВОР БЎЛАДИ, ЎЗСОЗЛАНАДИ. ШУ БОИС ҲАМ «МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ» ДЕЙДИЛАР.**

Бугунги кунда Бектемир туманидаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида ибратли ишлари билан ажралиб турган «Амадея-сервис» ширкати раиси Эльвира Раҳматулина ана шундайлар сирасидан бўлиб, ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонига асосан «Шуҳрат» медали соҳиби бўлганида, уни барча бирдай олқишлади, муқофот эгасини топганлигини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам кўп йиллардан буён коммунал соҳада меҳнат қилиб келаётган ширкат раиси фаолиги, иш-чанлиги, вазифасига сидқидилдан ёндашиши, ширкат мулкдорлари билан ҳамжиҳатлиги, яшовчиларга қулайлик яратишга интилиши билан ажралиб туради.



асосида иш олиб борилмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, шахар ҳокимияти кўмагида ертўладаги сув қувурларини алмаштирдик. Айниқса, уйимиз ён-атрофларини ободонлаштириш ҳамда кўкчаларни яширатишга эътибор қаратиб, 100 тулдрахт ва юзлаб гул кўчатлари ўтказдик. Ҳозирда уларнинг парваришини олиб бораёямиз.

Ширкат аъзоларига тушунтириш ишлари яхши олиб борилгани боис ҳам барча умумий мулк ҳақида бирдай қайғуради. Кириш йўлакларини, лифтилар озодаллигига эътибор қаратилган. Кириш йўлакларига темир эшиклар ўрнатилган. Уй катта бўлгани боис ҳам 2 нафар уйбоши ҳамда 6 нафар йўлакбоши сайланган бўлиб, улар ширкат раисига ҳар томонлама кўмак беради. Барча қилинажак ишлар бериладиган муҳокама этилиб, режа-

**Шарофат БАҲРОМОВА**  
СУРАТЛАРДА: «Амадея-сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида ишлар режа асосида бажарилаётган.

Ҳакимжон Солихов олган суратлар

ТАЪЗИМДАМАН СЕНГА — ТОШКЕНТИМ

Кўнглим ришталари боғланган сенга, Тошкентим, бунчалар оҳанрабосан. Ўн икки дарвозанг — ҳикмат эшиги, Шаҳарлар ичинда ўзинг танҳосан.

Ҳаммамизга маълумки, бу йил жонажон пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги кенг нишонланади. Жойларда шаҳримизнинг кутлуғ тўйини муносиб нишонлаш мақсадида катта тайёргарликлар бормоқда.

Шаҳримиз кўчалари, хиёбон ва боғлар, маҳаллалар обод ва ораста қилиниб, кўкаламзор ҳамда гулу гулзорга айлантирилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Барчамизга кадрдон бўлган бу азим, гўзал ва бетакор шаҳар нафақат мустақил давлатимиз пойтахти, балки юртимизнинг қиёфасини белгилайдиган,

сөркүёш диёримизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоён этадиган Ватанимиз остонасидир».

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини юқори савияда нишонлаш ҳамда миллий қадриятларимиз, бой тарихимиз, ота-боболаримизнинг ўлмас меросини асраб-авайлаш ва уларни кенг тарғиб этиш мақсадида жойларда ўтказилаётган турли хил тадбирлар диққатга сазовор бўлмоқда. Жумладан, яқинда Мирзо Улуғбек туман Маънавият ва маърифат Кенгаши ташаббуси билан Маънавият тарғибот бўлими, «Камолот» ЁИХ, халқ таълими Мирзо Улуғбек туман бўлими ва ҳаёт тарғибот бўлими билан биргаликда шогирдлари Ф.Эржаббеков, С.Собирбеков, Р.Шарипова, Э.Умаров, С.Ҳолиқов, А.Цой, Ш.Бекмиров каби кўплаб иқтидорли талаба-ёшларнинг ижодий ишлари кўргазмадан жой олган. Шунингдек, «Энг яхши санъат асари», «Энг яхши ҳайкалтарошлик асари», «Энг яхши кулчилик асари», «Энг яхши миниатюра ва китоб графикаси асари», «Энг яхши театр безаги рангтасвир асари», «Энг яхши дизайн лойиҳаси», «Энг яхши миллий либослар туркуми» ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари илмий-назарий анжуман материаллари бўйича Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган энг яхши мақола ва муносабатлар ва музейшуносларнинг муносиб тақдирланиши белгиланган.

Кўргазмалар

УСТОЗ ВА ШОГИРД ИЖОДИ ЁНМА-ЁН

Кундан кунга чиroy очиб, кўркамлашиб бораётган, «ШАРҚ ДАРВОЗАСИ» номи билан дунёга доврўф таратган тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига тайёргарлик қизғин бормоқда.


ландилар. Элимизга таниқли устоз рассомлар — Б.Жалолов, О.Муинов, Р.Худойбергенов, Ж.Умарбеков, А.Икромжонов, С.Рахметов, Ч.Бекмиров, М.Собиров, К.Мухаммеджонов, Э.Машарипов каби ижодкорлар билан биргаликда шогирдлари Ф.Эржаббеков, С.Собирбеков, Р.Шарипова, Э.Умаров, С.Ҳолиқов, А.Цой, Ш.Бекмиров каби кўплаб иқтидорли талаба-ёшларнинг ижодий ишлари кўргазмадан жой олган. Шунингдек, «Энг яхши санъат асари», «Энг яхши ҳайкалтарошлик асари», «Энг яхши кулчилик асари», «Энг яхши миниатюра ва китоб графикаси асари», «Энг яхши театр безаги рангтасвир асари», «Энг яхши дизайн лойиҳаси», «Энг яхши миллий либослар туркуми» ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари илмий-назарий анжуман материаллари бўйича Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган энг яхши мақола ва муносабатлар ва музейшуносларнинг муносиб тақдирланиши белгиланган.

Мазкур кўргазма доирасида ижодкорларни рағбатлантириш ҳамда ижодий маънодаги рақобатни юзага келтириш мақсадида кўйдаги номинацияларда танлов ёълон қилинган. «Устоз ва шогирд йўналиши», «Энг яхши тасвирий санъат асари», «Энг яхши амалий санъат асари», «Энг яхши ҳайкалтарошлик асари», «Энг яхши кулчилик асари», «Энг яхши миниатюра ва китоб графикаси асари», «Энг яхши театр безаги рангтасвир асари», «Энг яхши дизайн лойиҳаси», «Энг яхши миллий либослар туркуми» ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари илмий-назарий анжуман материаллари бўйича Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган энг яхши мақола ва муносабатлар ва музейшуносларнинг муносиб тақдирланиши белгиланган.

Кўргазма доирасида К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти иқтидорли талаба-қизлари томонидан ўтказилган «Энг яхши миллий либослар» туркумида-

ги либослар намоиши йиғилганлар эътиборини жалб этди. Қизлар эғнидаги миллий матоларимиздан тикилган хилма-хил кўркам либослар уларнинг хуснига янада чиroy ва лаптофат бахш этди. Жумладан, баҳорнинг таровати ўқитувчи Е.Кудейбергенова раҳбарлигидаги Фотима ва Зухра Абдуллаеваларнинг «Наврўз гўнаҳлари» моделира тўпламида, Бойсун табиатининг бетакор рангли катта ўқитувчи У.Ходжаева раҳбарлигидаги Шухрат Худойбердиевнинг «Бойсун баҳори» моделлар тўпламида, матоларнинг сержило гўзаллиги катта ўқитувчи Г.Ходжаева раҳбарлигидаги Гулноза Усмонованинг «Шош оҳанглари» моделлар тўпламида, миллийликнинг ўзгача мафтункорлиги эса Рухсона Нишонванинг моделлар тўпламида яққол намоён бўлган. Адреснинг ўзига хос гўзаллиги эса Мухаррам Пардаеванинг «Матоларда Марғилон жилоси» моделлар тўпламида ўз аксини топган. Шунингдек, З.Қосимованинг «Шарқ гули», Қ.Қосимованинг «Бекасам жилоси» моделлар тўпламида миллийликнинг шарқона қадриятларимиз кўзга ташланиб турди. Мазкур кўргазма ва либослар намоиши муҳлисларга замонавий санъатимизда аъёнларнинг кучи ва уларнинг илдишларини ҳис эта олишларида замонавий санъатга ҳаёт бахш этган «гўзаллик қудрати»дан баҳра олишлари учун имконият эшикларини очди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Устоз ва шогирд» кўргазмаси ҳамда «Энг яхши миллий либослар туркуми» намоишидан лавҳалар. Владимир Гранкин олган суратлар



Шу муносабат билан Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида «Устоз ва шогирд» деб номланган ижодий кўргазма ҳамда «Энг яхши миллий либослар туркуми» намоиши бўлиб ўтди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Бадий академияси раиси ўринбосари Р.Миртожиев, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазир ўринбосари А.Миррахимов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимов, К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори О.Эгамов сўзга чиқиб, Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ёшлар ижодига, уларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини рағбатлантириш ва ижодларини юзага чиқаришда кенг имкониятлар эшиги очилганлигини таъкидлаб ўтидилар ва ёш ижодкор талабаларга келгусида омадлар тилади.

Кўргазмадан институти хазинасида сақланаётган турли йўналиш ва услублардаги энг яхши асарлар ҳамда педагог ва талабаларнинг ишлари ўрин олди. Кўргазманинг мақсади, устоз ва шогирд — аниёна ва давомийликни намоиш этишдан иборат бўлди. Айтиш жоизки, талабалар ишларининг устозлари билан бир қаторда кўргазмага қўйилгани, уларга ўзига хос ифтихор, ғурур бағишласа, устозлар етиштирган шогирдлари ўзлари билан беллаша оладиган даражада санъат сирларини мукамал эгаллаганликларидан фахр-

Бугунги даврга келиб ҳаётимизда тубдан ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳамма нарсага бўлган талаб ошмоқда. Шу жумладан комил инсон тарбиясига ҳам алоҳида тўхталмасдан иложимиз йўқ. Бизнинг пировард мақсадимиз озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо қилишдир.

Бу мақсадга эришиш учун бизга интеллектуал ривожланган истеъдодли, билимли, ҳар томонлама етук ёшлар керак. Президентимиз И.Каримов айтганларидек «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт».

Болаларга таълим-тарбия бериш, уларни муносиб ҳаётга тайёрлаш борасида оила — мактаб — маҳалла тизими бўйича ҳамкорликда самарали ишлар олиб бориляпти. Бундан 30 йил аввалги ўқувчилар онги билан ҳозирги давр ўқувчилари онги анча фарқ қилади. Таълим-тарбия жараёнида қанчалик мукамал даражада амалга оширилмасин ёшлар орасида диний экстремизм, ақидапарастлик оқимларига қўшилиб кетиш, спиртлик ичимликлар истеъмол қилиш, кашандалик ва гивандликка берилиш, одам савдоси билан шуғулланаётганларга алданиб қолиш каби салбий оқибатлар ҳамон мавжуд. Бунинг сабаби, биз таълим ва тарбия методлари жуда яши қўллаяпмиз, бироқ шу ишлар билан шуғулланаётган ҳар бир масъул инсон, яъни педагоглар, тарбиячилар, маҳалла фаоллари, ота-оналар ҳам ўсмирлик дав-

рининг мураккаб томонларини, ўсмирлар биздан қандай муносабатни талаб қилишини тўлиқ билиш шарикан. Фикримизча ҳар бир инсон тарбиячи сифатида ўсмирлар ола-

да ўз ўрнини топа олмаганлигидан психик портлаш ҳоллари ҳам кузатилади. Катталарга нисбатан ёмон муносабатнинг пайдо бўлиши, ноҳус ҳулқ-атвор аломатлари ўсмир яшайдиган ижтимоий шарт-шароитлар унинг тенгдошлари ва турли жамоалардаги мавқеи, катталар билан муносабати, мактаб ва оиласида-

Мушоҳада

ЎСМИР ТАРБИЯСИДАГИ ЭНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАР

ми, уларнинг физиологик ва руҳий ҳолатларидан бохабар бўлса ва улар билан муносабатга киришадиганда шу нарсаларни ҳисобга олса, барча қўллаган тарбия усуллари самарали натижа берди деб ҳисоблаймиз. Аксарият ўқувчиларда ўсмирлик ёшига ўтиш асосан 5-синфлардан бошланади «Энди ўсмир бола эмас, бироқ катта ҳам эмас» ани шу таъриф ўсмирлик даврининг муҳим характери билдиради. Бу ёшда ўсмир ривожда кескин ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Бу ўзгаришлар физиологик ҳамда психологик ўзгаришлардир. Ўсмирлар одатда ўзларини катталардек тутиш-

да ўз ўрнини топа олмаганлигидан психик портлаш ҳоллари ҳам кузатилади. Катталарга нисбатан ёмон муносабатнинг пайдо бўлиши, ноҳус ҳулқ-атвор аломатлари ўсмир яшайдиган ижтимоий шарт-шароитлар унинг тенгдошлари ва турли жамоалардаги мавқеи, катталар билан муносабати, мактаб ва оиласида-

атрофдаги катталарнинг, устозларнинг тўғри йўлни кўрсатишларига қарамай, ўз фикрларини ўтказишга ҳаракат қилдилар. Бу даврда бола-нинг ижтимоий мавқеи ўзгаради, ўзининг яқинлари, дўстлари, тенгдошлари билан янги муносабатлар юзага келади. Лекин энг катта ўзгариш унинг ички дунёсида пайдо бўлади. Кўпгина яхши самара беради. Ўсмирлар оиламида дунёқараш ва фикрлари тез-тез ўзгариб туриши мақсад сари интилишнинг аниқ йўналиши мавжуд эмаслиги улар онгидан гоёвий бўшлиқнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Болаларга катта бўлиб, ўз дунёқараш ва гоёсига эга бўлгунча қадар биз уларга аниқ ва тўғри йўлни танилашига ҳамда ҳаётий қишқикларни эгаллашига ёрдам беришимиз керак. Бунда оила — маҳалла ҳамкорлигидаги ишлар муҳим аҳамият касб этади. Аниқан шу даврда ўсмирлар озгина эътибордан четда қолса, ҳар хил оқимларга қўшилиб кетиши, ёмон иллатларга берилиши мумкин. Биз катталар ўзaro ҳамжихатликда миллий истиқлол гоёсини ўсмирлар онгига сингдиришга ҳаракат қилсак, беғурур қалбларни Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, инсонийлик, миллий ифтихор туйғуси билан шакллантирсак ёш авлодини ҳар томонлама ривожланган комил инсон қилиб тарбиялаган бўламиз. Биз тарбиялаган ўсмирлар келажақда юрт равнақи, халқ учун чин юракдан хизмат қиладиган, ўзига ва бошқаларга ҳақиқий бахт бера оладиган, ҳаётнинг ҳар бир жаб-ҳасида теран тафаккур ила фикр юрита оладиган баркамол инсон бўлиб етишади.

Ирода МИРЗАБЕКОВА, руҳшунос

атрофдаги катталарнинг, устозларнинг тўғри йўлни кўрсатишларига қарамай, ўз фикрларини ўтказишга ҳаракат қилдилар. Бу даврда бола-нинг ижтимоий мавқеи ўзгаради, ўзининг яқинлари, дўстлари, тенгдошлари билан янги муносабатлар юзага келади. Лекин энг катта ўзгариш унинг ички дунёсида пайдо бўлади. Кўпгина яхши самара беради. Ўсмирлар оиламида дунёқараш ва фикрлари тез-тез ўзгариб туриши мақсад сари интилишнинг аниқ йўналиши мавжуд эмаслиги улар онгидан гоёвий бўшлиқнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Болаларга катта бўлиб, ўз дунёқараш ва гоёсига эга бўлгунча қадар биз уларга аниқ ва тўғри йўлни танилашига ҳамда ҳаётий қишқикларни эгаллашига ёрдам беришимиз керак. Бунда оила — маҳалла ҳамкорлигидаги ишлар муҳим аҳамият касб этади. Аниқан шу даврда ўсмирлар озгина эътибордан четда қолса, ҳар хил оқимларга қўшилиб кетиши, ёмон иллатларга берилиши мумкин. Биз катталар ўзaro ҳамжихатликда миллий истиқлол гоёсини ўсмирлар онгига сингдиришга ҳаракат қилсак, беғурур қалбларни Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, инсонийлик, миллий ифтихор туйғуси билан шакллантирсак ёш авлодини ҳар томонлама ривожланган комил инсон қилиб тарбиялаган бўламиз. Биз тарбиялаган ўсмирлар келажақда юрт равнақи, халқ учун чин юракдан хизмат қиладиган, ўзига ва бошқаларга ҳақиқий бахт бера оладиган, ҳаётнинг ҳар бир жаб-ҳасида теран тафаккур ила фикр юрита оладиган баркамол инсон бўлиб етишади.

Ирода МИРЗАБЕКОВА, руҳшунос

атрофдаги катталарнинг, устозларнинг тўғри йўлни кўрсатишларига қарамай, ўз фикрларини ўтказишга ҳаракат қилдилар. Бу даврда бола-нинг ижтимоий мавқеи ўзгаради, ўзининг яқинлари, дўстлари, тенгдошлари билан янги муносабатлар юзага келади. Лекин энг катта ўзгариш унинг ички дунёсида пайдо бўлади. Кўпгина яхши самара беради. Ўсмирлар оиламида дунёқараш ва фикрлари тез-тез ўзгариб туриши мақсад сари интилишнинг аниқ йўналиши мавжуд эмаслиги улар онгидан гоёвий бўшлиқнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Болаларга катта бўлиб, ўз дунёқараш ва гоёсига эга бўлгунча қадар биз уларга аниқ ва тўғри йўлни танилашига ҳамда ҳаётий қишқикларни эгаллашига ёрдам беришимиз керак. Бунда оила — маҳалла ҳамкорлигидаги ишлар муҳим аҳамият касб этади. Аниқан шу даврда ўсмирлар озгина эътибордан четда қолса, ҳар хил оқимларга қўшилиб кетиши, ёмон иллатларга берилиши мумкин. Биз катталар ўзaro ҳамжихатликда миллий истиқлол гоёсини ўсмирлар онгига сингдиришга ҳаракат қилсак, беғурур қалбларни Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, инсонийлик, миллий ифтихор туйғуси билан шакллантирсак ёш авлодини ҳар томонлама ривожланган комил инсон қилиб тарбиялаган бўламиз. Биз тарбиялаган ўсмирлар келажақда юрт равнақи, халқ учун чин юракдан хизмат қиладиган, ўзига ва бошқаларга ҳақиқий бахт бера оладиган, ҳаётнинг ҳар бир жаб-ҳасида теран тафаккур ила фикр юрита оладиган баркамол инсон бўлиб етишади.

Ирода МИРЗАБЕКОВА, руҳшунос



Айтингчи, ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлган шахснинг ойлук маошидан буйруқ асосида ушлаб қолиш мумкинми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Р. Азизов, Шайхонтоҳур тумани

Ҳа, хизмат вазифасига совуққонлик билан қараган шахсларнинг маошидан ушлаб қолиш қонунда белгиланган. Фақат бунинг учун Меҳнат кодексининг 164-моддасида назарда тутилган асослар бўлиши лозим. Жумладан, умумий қоидага кўра, ходимнинг ёзма розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин.

Куйидаги ҳолларда ходимнинг розилигидан қатъи назар, меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади:

- 1) Мамлакатимизда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;
2) Суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;
3) Иш ҳақи ҳисобига берилган авансни ушлаб қолиш учун, ҳўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан белгиланган бўлиб, сарф қилинмай қолган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ушлаб қолиш учун ҳамда ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортқича тўланган маблағни қайтариб олиш учун чегирилади. Бундай ҳолларда иш берувчи авансни қайтариш ёки қарзни тўлаш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёхуд ҳақ тўлаш нотўғри ҳисоблаб чиқилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирилмасдан аванс ёки қарзни ушлаб қолиш ҳақида Фармойиш беришга ҳақлидир. Агар бу муддат ўтиб кетган бўлса ёки ходим бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан берилган аванснинг ушлаб қолинишини асоссиз ёки микдорини нотўғри деб ҳисобласа, у ҳолда қарз суд тартибидан ундирилади.
4) Ўз ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда, таътилни ишламаган даврга тегишли кунлари учун ҳақ Меҳнат кодексининг 89-моддаси 4 ва 2-бандлари, 106-моддасига кўра, шунингдек, ўқишга киргани ёки пенсияга чиққани муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ушлаб қолинмайди.
5) Ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун (агар етказилган зарарнинг микдори ходимнинг ўртача ойлук иш ҳақидан ортқ бўлмаса);
6) Ушбу кодекснинг 181-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган жаримани ундириш учун.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий микдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллиқ фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.

Бундан ташқари, ички меҳнат тартиб-интизоми бузилганда ташкилотнинг ички тартиб-қоидаларидан ҳам келиб чиқиб иш ҳақи ушланиб қолинади.

Ушбу саволга ҳуқуқшунос Гулрух АЗИМОВА жавоб берди

Ҳозир банклар томонидан аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида турли хилдаги имтиёзлар сирасига истеъмоли кредитларини ҳам киритиш мумкин. Айтингчи, истеъмоли кредити қилмалар ва қандай мақсадларда берилади?

Амина Жўраева, Миробод тумани

«Истеъмоли кредити тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида таъкидланишича, истеъмоли кредити жисмоний шахсга (истеъмоли) унинг истеъмоли эҳтиёжларини қондириш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун берилади. Молиявий истеъмоли кредити ва товар истеъмоли кредити истеъмоли кредитининг шакллари ҳисобланади.

Юқоридаги қонуннинг 6-моддасига асосан, жисмоний шахснинг истеъмоли эҳтиёжлари учун мўлжалланган товарлар (ишлар, хизматлар) истеъмоли кредитининг объекти бўлиши мумкин. Шунингдек, қонунчиликда кўчмас мулк ва муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулк истеъмоли кредити объекти бўлиши мумкинлиги ҳам белгилаб қўйилган.

Қонуннинг 7-моддасида истеъмоли кредитини бериш тартиби ўз аксини топган бўлиб, истеъмоли кредити, истеъмоли кредити бериш қоидадасига мувофиқ, истеъмоли кредити шартномаси бўйича тўловлилик, мудатлилик ва таъминланганлик шартлари билан берилади. Истеъмоли кредити ўз фаолияти натижасида олинган даромадларга, пенсия ва бошқа даромадларга эга бўлган жисмоний шахсларга берилади.

Истеъмоли кредитини бериш қоидалари истеъмоли кредити берувчи ташкилот томонидан ушбу қонунга мувофиқ белгиланади. Истеъмоли кредитини бериш қоидалари ҳамма танишиб чиқиши учун очиқ бўлиши ва уларда истеъмоли кредити бериш шартлари, шунингдек, кредит микдори, уни бериш муддати, фоиз ставкаси, истеъмоли тўлаши лозим бўлган тўловлар жадвали тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Товарларни (ишларни, хизматларни) кредитга сотиш сотув кунда амалда бўлган нархлар бўйича амалга оширилади. Реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг кейинчалик ўзгариши шартнома тарафларининг мажбуриятларига таъсир этмайди.

Шунингдек, истеъмоли кредити бериш қоидалари мувофиқ истеъмоли истеъмоли кредити олиш учун кредит бюртмасини ва ўз даромадлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бошқа ҳужжатларни истеъмоли кредити берувчи ташкилотга тақдим этади.

Кредит бюртмасида истеъмолининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти (ёки паспорт ўрини босувчи ҳужжати) серияси ва рақами ҳамда яшаш жойи; истеъмоли кредитининг объекти; истеъмоли кредитининг муддати; истеъмолининг фаолият тури ва даромадлари; истеъмоли томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули каби маълумотлар кўрсатилади. Кредит бюртмаси бюртма берилган сана кўрсатилган ҳолда истеъмоли томонидан имзоланади.

Ушбу саволга Шайхонтоҳур тумани 2-сонли давлат нотариал идора нотариуси Маъмура НИЁЗОВА жавоб берди



**МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ**  
**ХИКМАТЛАР**

Мунча кўрқарсен мисоли бир гўдак,  
Шер бўлиб майдонга тушмогинг керак.

\*\*\*

Юз бало юзланса сенга ногаҳон,  
Этма парво, йўл босиб,  
ошгил довон...

\*\*\*

Чун хато қилдинг, хатога тавба қил.

\*\*\*

Айтдилар: йўл узра дўзах бор, бироқ,  
Кимки огаҳдир, ўшал ўтдин йирок.

\*\*\*

Деди: жаннат юзли ёрим менга бас,  
Жаннатул маъвони этмасмен ҳавас.

\*\*\*

Ишқу савдо дилни гар мафтун қилур,  
Ёшмидир ул, кексаму — мажнун қилур.

\*\*\*

Ул кишиким ёрига ҳамранг эмас,  
Севгиси рангу бўёқдир бори, бас.

\*\*\*

Офият ишқ бирла бўлмас улфат ул.

\*\*\*

Май ичиб, ким дин таркин айлағай,  
Балки бундан баттарин ҳам айлағай.

\*\*\*

Сийму зар йўқ эрса, ишда не самар?

\*\*\*

Не учун даркор кишига дўсту ёр  
Бўлмаса агар қаро кунда мадор?

\*\*\*

Бир ёмон кунда билинғай дўсту ёр,  
Яхши кунларда агарчи юз ҳазор.

\*\*\*

Лутфу эҳсон денгизи мавж урса гар,  
Эрмидир, хотин — гуноҳин мавҳ этар...

\*\*\*

Ишқ, муҳаббат кўйида нелар бўлар?  
Не бўлурни ишқни билганлар билар.

\*\*\*

Шубҳа бўлган дилда бўлмас иштиёқ.

\*\*\*

Кимга тушса соҳиби давлат кўзи,  
Неча юз асрор анга юз очгуси.

\*\*\*

Етмагунча то эранлардин назар,  
Қайда сенга жисму жонингдин хабар?

\*\*\*

Пир керак йўлларда, ёлғиз юрмагил,  
Кўр бўлиб, дарёга ўзни урмагил.

\*\*\*

Пир йўлингда раҳнамо бўлғай сенга,  
Хар ишингда ул паноҳ бўлғай сенга.

\*\*\*

Ул бор бошида соҳибдавлати,  
Чарчамас йўлларда, бўлмас хижрати.  
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади.

**Харакат хавфсизлиги ойлиги**

**ИНСТИТУТДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

АЙНИ КУНЛАРДА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА, «ХАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» ЎТКАЗИЛМОҚДА. КУНИ КЕЧА, ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИДА УШБУ ОЙЛИК ДОИРАСИДА ТОШКЕНТ ШАХАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ ЙЎЛ ХАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСИ ХАМКОРЛИГИДА «ХАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ—УМУМХАЛҚ ИШИ» МАВЗУСИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

Анжуманда сўзга чиққан институт ректори профессор Мурод Икромов республикада ҳаракат хавфсизлиги бўйича ишларнинг самардорлигини ошириш мақсадида «Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш — умумхалқ иши» шiori остида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг қўла-мига тўхталиб ўтди. Мамлакатимиздаги вазириликлар, кўмиталар, компания ва концернлар, уюшмалар, корхоналар, ташкилотлар, фондлар ва фирмалар томонидан ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирларни замон талаблари даражасидан келиб чиққан ҳолда, илғор чет давлатлар тажрибалиридан кенг фойдаланган равишда такомиллаштиришга чорлади.

Шунингдек, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Саидумар Тасходжаев, «Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш» бўлимининг бошлиғи Зоир Саидалиев ҳам сўзга чиқиб, инсон хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида амалдаги қоидаларга риоя қилиши, йўл ҳаракати қатнашчиларининг вазибаларини аниқ бажаришлари ва қонун устуворлигини таъминлаш масалаларига тўхталиб ўтдилар. Хайдовчилар билан биргаликда пидедаларнинг ҳам йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасликлари, баъзи бир хайдовчиларнинг масъулиятни ҳис этмаслик-

лари оқибатида фалокатга сабаб бўлувчи воқеалар келиб чиқиши мумкинлиги хусусидаги фикрларини мисоллар билан шарҳлаб бердилар. Тошкент автомобиль йўллари институти «Харакат хавфсизлигини ташкил этиш» кафедраси муdiri Кудратилла Азизов эса, кафедрани олиб борилаётган ишлар, амалиётда бажариладиган топшириқлар, ҳаракат хавфсизлиги бўйича чоп этилган қўлланмалар ва адабиётлар хусусида сўзлади. Шунингдек анжуман доирасида «Харакат хавфсизлигини ташкил этиш» кафедрасининг биринчи курс магистрлари ва битирувчилари йўл ҳаракати қоидаларининг хайдовчилар ва пидедалар томонидан кўпчилик ҳолларда бузилиши ҳолларини қизи-

карли саҳна кўринишлари орқали ижро этиб, оқшоларга сазовор бўлдилар. Йўл ҳаракати хавфсизлигига бағишлаб ташкил этилган кўргазмалар ва ўқув қўлланмалари кўргазмаси барча иштирокчиларга манзур бўлди. Тадбир давомида иштирокчилар, экранларда Амир Темур шоҳқўчаси билан Шахрисабз кўчаси чорраҳасидаги транспорт воситаларининг ҳаракатини кузатиб бориш, хайдовчи ва пидедаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига қандай риоя этаётганликларига гувоҳ бўлиш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Гўлчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. Ҳақимжон Солихов олган суратлар



**Мутахассис маслаҳати**

**ЖИГАР ЭХИНОККОКИДАН САҚЛАНИНГ**

ЭХИНОККОК КАСАЛЛИГИНИ КАМ УЧРАЙДИ ДЕБ БЎЛМАЙДИ ВА У АСОСАН ЖИГАРНИ ЗАРАРЛАНТИРАДИ. ЭХИНОККОК ИККИ ШАКЛДА БЎЛАДИ: БИР КАМЕРЛИ, ЯЪНИ ПУФАКЛИ (ГИДАТИДОЗ) ВА АЛЬВЕОЛАР (КЎП ПУФАКЛИ).

ни кемириб катта тугун ҳосил қилади ва бошқа аъзоларга, кўпинча ўпкага ўтади. Касалликнинг эрта бошланиш давларида ва ўз вақтида аниқланганда жарроҳлик усулини қўллаш самаралидир. Эхиноккокнинг жадал кучайиб кетиши ва паразитларнинг қорин бўшлиғига тушиши у ерда яллиғланиш ҳосил қилиши ҳам жарроҳлик усулининг қўлланишига олиб келади. Олдини олиш. Албатта, шахсий гигиена доимий равишда амал қилиб туриш лозим. Бунга овқатдан олдин кўлни совун билан ювиш, кўчадан келганда болалар албатта тозаланиш риоя қилишлари керак. Юқорида айтганимиздек уйдаги кучук ҳам бу касалликни юқтириши мумкин. Бунинг олдини олиш учун ит билан муомала қилганда, унга қараганда, айниқса болалар эҳтиёт бўлишлари керак. Баъзи хонадонларда ётоқхона, ошхонада яшайдиган кичкина зотли итларни боқибди, улар ҳатто кўрпа, одеял, ёстиқлар устида кун бўйи юришади. Бундай ит итларини албатта ветеринар шифокор кўригидан йилда 1 марта ўтказиб туриш лозим. Хар бир қушхона, маҳалларда сўйиш учун боқилаётган қорамол, қўй, эчкиларни албатта ветеринар врач кўригидан ўтказиб лозим. Агарда молнинг бирида эхиноккок белгилари бўлса ундай мол карантин ҳолатида ажратиб олинди ва сўйишга рухсат берилмайди. Агар киши бундай хасталан-

ган молнинг жигарини истеъмол қилса эхиноккок касаллигига дучор бўлади. Сиз бозордан жигар сотиб олаётганингизда санитария хизмати кўригидан ўтган гувоҳнома, рухсатнома сўранг, фақат бу ҳолат бўлса хавотирланмасдан харид қилишингиз мумкин. Бундан ташқари бозордан гўшт, жигар, ёғ, буйрак олаётганингизда унинг ҳамма томонини яхшилаб кўриб, сўнгра харид қилинг. Шундан сўнг албатта кўлингизни совун билан ювишингиз керак. Иккинчи нотўғри амалиёт жигар кабоб тайёрланганда бозордан сотиб олинган жигарни сувда ювмаслиқдир. Жигар кабобни чала пишириш ҳам жуда хавфлидир. Шуни ҳам айтиш керак, жигар кабоб қамқонликка даво деб эмизликли аёлларга чала-чўлла пишириб беришади. Маълумки, бу чала пиширилган жигар тўқималарида эхиноккок пуфакчалари бўлиши мумкин. Шунинг учун гўшт, жигар маҳсулотларини узоқ пишириш керак. Фақат шундагина сиз бу хавфли касалликдан мустафо бўласиз. Тоҳир ИБРАГИМОВ, тиббиёт фанлари доктори.

**Спорт янгиликлари**


**КУЧЛАР КЎРИГИ БОШЛАНДИ**

ШАҲРИМИЗДА 1992 — 1994 ЙИЛЛАРДА ТУГИЛГАН ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ЮНОН-РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ БЕЛЛАШУВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТУРНИР «ДИНАМО» ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ЖАМИЯТИ СПОРТ МАЖМУАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Биринчилик бахсларида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган 220 нафар катнашчи икки кун давомида галаба учун кураш олиб борди. Мусобақанинг биринчи кунда 42, 58, 69 ҳамда 85 килограммга чад вазиладаги ёш юнон-рум кураши усталари гиламга чиқишди. Бунда 58 килограммга курашчилар ўртасида ҳамшахримиз Охунжон Ёқубовга омад қилиб боққан бўлса, энг енгил иккита вазнда буюролик спортчилар Аҳмад Маҳмудов ва Феруз Тўхтаевларга тенг келадиганлар топилмади.

Иккинчи кунги аксарият беллашувлар мурасасиз ва шиддатли курашларга бой тарзда ўтди. Бунда Комил Фаткуллин, Олим Курбонов, Руслан Закириев, Дмитрий Коршунов, Игорь Ларионов, Бахтиёр Сайфиев каби жонкуяр мураббийларнинг ҳиссалари катта, албатта. Зеро, уларнинг саъй-ҳаракатлари билан юртимизда юнон-рум кураши бўйича кўплаб ёш иқтидорлар етишиб чиқмоқда. Турнирнинг иккинчи кунги жами бешта вазн тоифасида учрашувлар ўтказилиб, голиблар аниқ-

ланган бўлса, тўртта вазнда тошкентлик курашчилар — Асрор Муҳиддинов, Феруз Хотамов, Муҳиддин Собиров ҳамда Шерзод Акбаровлар ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори погонасидан жой олишди. Биринчиликнинг барча голиб ва совриндорлари медаллар ҳамда дипломлар билан тақдирланди. (Ўз муҳбиримиз) СУРАТДА: юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон биринчилигидан лавҳа. Алексей Попов олган сурат



**ҚИЛИЧБОЗЛАР БЕЛЛАШДИ**

ПОЙТАХТИМИЗ МАЗБУНЛИК ҚИЛАЁТГАН ҚИЛИЧБОЗЛИК БЎЙИЧА МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ ИШТИРОКЧИЛАРИ РАПИРАДА ЎТКАЗИЛГАН ЯҚКАЛИК ВА ЖАМОАВИЙ БЕЛЛАШУВЛАРДА ЎЗАРО КУЧ СИНАШДИ.

Яққалик бахсларида совринли ўринларнинг аксарияти Республика олимпия захиралари коллежида таҳсил олаётган иқтидорли қиличбозларга насиб этди. Қизлар ўртасидаги финал учрашувида мазкур коллежнинг икки нафар ўқувчиси ўзаро куч синашди. Хал қилувчи учрашувда София Азизовани мағлубиятга учратган Зилола Илёсова биринчилик олтин медали билан тақдирланди. София Азизова иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, пойтахт вакиллари Анжелика Мурзаметова ҳамда Анаора Ҳасанова кучли учликдан жой олди.

Ўсмирлар баҳсида Республика олимпия захиралари коллежи тарбияланувчиси Рустам Уразбахтин ўз жамоадоши Элдор Ермаков устидан зафар кучиб, шоҳсупанинг энг юқори погонасига кўтарилди. Биринчилик бронза медаллари тошкентлик қиличбозлардан Ойбек Мухторов ва Бобур Ҳамдамовга топширилди.

Жамоалар ўртасида ўтказилган рапира беллашувларида голиблик Андижон жамо-

аси шарафини химоя қилган спортчиларга насиб этди. Тошкент шаҳри жамоаси вакиллари иккинчи, Республика олимпия захиралари коллежи ўқувчилари учинчи ўринни эгаллади.

**«ЎЗМУ» ЧЕМПИОННИ ЕНГДИ**

НУКУС ШАҲРИДА ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИНИНГ УЧИНЧИ ТУРИДА ЮРТИМИЗНИНГ АМАЛДАГИ ЧЕМПИОНИ «САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ» ЖАМОАСИ НАВБАТДАГИ УЧРАШУВДА АСОСИЙ РАҚОБАТЧИСИ «ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ» ЖАМОАСИ БИЛАН КУЧ СИНАШИБ, ЎЙИНДА 23:26 ҲИСОБИДА ИМКОНИЯТНИ БОЙ БЕРДИ.

Нукуснинг «Қорақалпоғистон» жамоаси эса кескин ва мурасасиз ўтган учрашувда «Урганч олимпия захиралари спорт коллежи» вакиллари 27:26 ҲИСОБИДА ЕНГИБ, ўз муҳлисларини ҳушнуд этди. «ОТМК» (Олмалик) гандболчилари «Ёшлик» (Тошкент) устидан 24:20 ҲИСОБИДА ЗАФАР КҮЧДИ.

Бохир БЕК

**ТИҲОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОПЛАР**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

2009 йил 12 май кун соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига, Тошкент шаҳар Мировод тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 29.08.2008 йилдаги 10/0816/7807-сонли буйруғига асосан хатланган, Мировод тумани, Фаргона йўли 2-мулоҳи, 115 «А»-уйда жойлашган, 789 кв.м.ер майдони, 746 кв.м. фойдаланиш майдони бўлган 1 қаватли бино иншооти қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси—157 094 129,60 сўм.

Мазкур кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг ОАИКБ «Ипак Йўли банки» Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: МФО: 01036, ИНН: 200933850, ҳ/р: 20210000300571452114. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Уразбоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**  
Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълоплар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар**  
**Матбуот ва ахборот**  
**бошқармасида 02-1-рақам**  
**билан рўйхатга олинган.**  
Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
3824 нусxada босилади.  
Қўғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа оқшомдорлик компанияси босмоқчоси. Корхона мазили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
2 5 6

Топширилган вақти: 12.55